

НАВОИЙ ВА ТАБОБАТ ИЛМИ
Шамсуддинов Ф.С., 315-гуруҳ Даволаш факультети
Илмий раҳбар.т.ф.н. доцент Эргаш Абдуллаевич Бердиев
ТТА, Термиз филиали

Республикаимиз ва чет эл матбуоти саҳифаларида буюк шоир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг серқирра ижоди ва фаолияти ҳақида кўплаб баҳс-мунозаралар юритилмоқда. Аллома ҳақидаги билимларимиз йилдан-йилга бойиб бормоқда.

Навоий табиблар ва табобат илми ҳақида ҳам кўплаб ғазал, туюқ, рубоий ва ҳикматлар битган. Бу бежиз эмас. Чунки ўша даврларда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларни даволаш жуда оғир аҳволда бўлган. Оқибатда одамлар арзимаган касаллик туфайли узоқ вақт тўшакка михланиб ётган ёки вафот этган. Бобокалонимиз имкони борича халққа ёрдам беришга интиланган. Ҳирот шаҳрида ўз маблағи ҳисобига “Дорушшифо” даволаш уйини бунёд этгани фикримизга далил бўлади. Унда ўша даврда тажрибали табиблар беморларни қабул қилиб, муолажа билан шуғулланган. Шунингдек, бу ерда ишлаётган табиблар вақти-вақти билан Навоий томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириб турилган.

Алишер Навоий табобат илмига оид амалий ва назарий масалаларни ниҳоятда чуқур тушунган.

Сарсаб эрур ҳамиша бу гулианда сарвдек,

Озодаики бўлса мижозида эътидол.

Бу мисра орқали Навоий кишида мижоз мўътадил бўлса, у ҳамиша сарв дарахтидек нуқсонсиз ва камчиликсиз ўсади ҳамда саломат бўлади. Борди-ю, мўътадиллик бузилса, касаллик юз бериши мумкин, демоқда.

Ҳар таъбки зоти ўлса маҳрур,

Оз ҳиркат этар танини ранжур.

Демак, кишининг мижози иссиқ бўлса, озгина иссиқ овқат ҳам уни касалликка чалинтириши ва иситмасини ошириши мумкин.

Навоий бобомиз баъзи шифобахш ўсимликларнинг инсон организми учун фойдаси ҳақида ҳам кўп мисралар битган. Тарихий манбаларга қараганда, Навоий ўша даврда доврўғи дунёга кетган Мавлоно Абдулхай каби табиблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, уларнинг табобат илмига оид суҳбатларидан баҳраманд бўлиб турган. Мавлоно Абдулхай Алишер Навоий бунёд эттирган “Дорушшифо”да фаолият юритган ва айнан шу ерда контомирлар тузилиши, улардаги касалликларни даволаш усулларига доир илмий кашфиётларни амалга оширган.

“Қарам ва мурувват ота ва онадурлар” деган мақолга амал қилган Навоий бор мол- мулкни илм-фан рағнакига сарфлаганки, бу барча замонларнинг бадавлат инсонлари учун сабоқ бўлган ва ҳозирги замон учун ҳам ибратдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мухитдинова, Х. Н., Абдусалиева, Т. М., Сатвалдиева, Э. А., & Холбаева, Д. С. (2016). Ультразвуковые особенности структуры головного мозга младенцев при желтухе. Вестник экстренной медицины, (4), 31-35.
2. Липатова, Л. В. "Нейроиммунные механизмы эпилепсии как ключ к патогенетическому лечению заболевания." Эпилепсия и пароксизмальные состояния 2.3 (2010): 20-27.
3. Шутеева, Т. В. "Современные подходы к вопросам коррекции когнитивных и эмоциональных расстройств у пациентов с хронической ишемией мозга." Российский медицинский журнал 21 (2017): 1507-1510.